



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 4 октябрь, № 195 (6630)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КУН ТАРТИБИДА – ҲАЁТИЙ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 1 октябрь куни Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудиди бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бунинг самарасида вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда.

Шавкат Мирзиёев Ширин шаҳридаги минтақадаги энг йирик Сирдарё иссиқлик электр станциясида бўлди. Бу корхона Ўзбекистон энергия тизимининг марказий қисми истеъмолчиларини энергия билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади.

Умумий қуввати 3050 МВт бўлган 10 энергия блокдан иборат ушбу иссиқлик электр станциясида йилга 16,1 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Мазкур корхона 1972 — 1981 йилларда босқичма-босқич фойдаланишга топширилган бўлиб, мавжуд асбоб-ускуналар эскирган ишлаб чиқариш қуввати пайсыйишга олиб келмоқда. Шу сабабли бу ерда сўнгги йилларда мунтазам реконструкция ишлари амалга оширилаётган. Мамлакатимиз Биринчи Президентининг «Сирдарё иссиқлик электр

станциясидаги иккита энерго-блокни тўлиқ модернизация қилиш» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мунофиқ, 2014 йилнинг июль ойидан 2015 йилнинг март ойига қадар иккита энергоблок модернизация қилинди.

Шавкат Мирзиёев мутахассислар билан Сирдарё иссиқлик электр станцияси қувватини ошириш, ишлаб турган энерго-блокларни модернизациялаш масалаларини муҳокама қилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган электр энергияси таннархини пасайтириш, станция ускуналарини таъмирлаш учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди. Истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш, электр энергияси ҳисобини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шавкат Мирзиёев вилоят марказидаги «Гулистон медтехника» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида ҳам бўлди. Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, шу йилнинг 1 октябридан дастлабки маҳсулот ишлаб чиқаришни бош-

лаган мазкур қўшма корхонани барпо этиш учун 7,3 миллион АҚШ доллари йўналтирилган.

Янги корхонада йилга 216 миллион дона шприц ва 26 миллион дона инфузия системаси ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотларни ички бозордан ташқари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистонга ҳам экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Қўшма корхонадаги 210 иш ўрнининг ярмига касб-хунар коллежлари битирувчилари қабул қилингани, айниқса, эътиборлидир.

Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳрида кам таъминланган оилалар учун бунёд этилиши режалаштирилаётган кўп қаватли замонавий уйлар лойиҳаси билан ҳам танишди. Бундай уй-жойларни жамоатчилик иштирокида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга имтиёзли кредит асосида адолатли равишда бериш лозимлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев вилоят пахта далаларида бўлиб, йғим-терим ишларининг боришини кўздан кечирди. Гулистон тумани фермерлари билан ҳудудда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юқори унумли навларни экиш, соҳага замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини жорий

этиш масалаларини муҳокама қилди.

Қишлоқ жойларда зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган яқка тартибдаги замонавий ихчам уй-жойлар қуриш лойиҳалари муҳокама этилди. Қисқа муддатларда бундай шинам, энергияни тежайдиган кўп хонали уйлarning барпо этилиши қишлоқларда кам таъминланган ва ёш оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш имконини бериши алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашув аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси ёдга олинди, ҳурмат бажо келтирилди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказларида янги уй-жойлар барпо этиш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган истиқболли бош режаларни татиқ этиш асосида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга доир масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича долзарб вазифалар

белгилаб олинди. Йғим-терим ишлари, кузги экинларни экиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини ғамлаш, уй-жойлар ва ижтимоий иншоотларнинг кузги-қишқи мавсумга тайёргарлиги, саноат ва вилоят иқтисодиётининг бошқа соҳалари узлуксиз ишлашини таъминлаш масалалари бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Йўғилишда Гулистон тумани мисолида вилоятни истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс дастури қўриб чиқилди. Хусусан, яқин икки йилда ушбу туманда қарийб 900 та иш ўрни яратиш имконини берадиган 11 саноат корхонаси ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ички бозорда сотиш билан бирга, ташқи бозорга чиқариш ҳам мўлжалланапти.

Йўғилишда Шавкат Мирзиёев вилоят раҳбарлари ва фаолларини ҳукумат порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси манзилига ҳудуд аҳолисида келаётган мурожаатлар билан таништирди. Вилоят мутасаддиларига ушбу масалаларни қўриб чиқиш ва тезкор ҳал қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда 3 октябрь куни шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон — Япония конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А. Файзуллаев, фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари К. Арипов, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Фозилов, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш. Тўлағанов, иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Ш. Файзуллаев, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Обидов, Япониянинг ердан фойдаланиш,

инфратузилма, транспорт ва сайёҳлик вазирининг биринчи ўринбосари Х. Ханаока ҳамда бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик самаралари ҳақида сўз юритди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланган.

(Давоми 2-бетда).



Эъзоз ва эҳтиромдан мамнунмиз

Ёш авлодга билим бериш, қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини синдириш, комил инсон бўлиб вояга етишишга ҳисса қўлиш ҳар бир ўқитувчи, мураббий учун катта масъулият, айни пайтда шарафдир.

ДИЛ СЎЗИ

Ўқувчиларимиз ҳаётда ўз ўрнини топса, оиласи, шу муқаддас юрт, унинг раънаки йўлида фидокорона меҳнат қилса — демакки, вазифамизни тўғри, ҳалол бажарган бўламиз. Бинобарин, давлатимиз соҳа ходимларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб, барча имкониятни яратиб бермоқда.

Бундан 19 йил олдин мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ўқитувчи ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида таъсис этилгани ҳам бизга кўрса-

тилган чексиз эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Мазкур сана муносабати билан ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг йўллаган табриғида ҳам мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат арбоби, халқимизнинг қалбидан абадий жой олган улуг инсон Ислом Каримовнинг таълим соҳаси ривожидидаги улкан хизматлари яна бир қарра таъкидлангани диллимиздаги фикрларнинг акс садо-си бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Ёшлар учун замонавий уй-жойлар

Ҳар бир ота-она фарзандлари камолини, бахту саодатини кўришни истади, “Уғил-қизларим ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етса, яхши ўқиб, ҳаётда ўз ўрнини топса”, дея ният қилади. Ана шундай

ҒАМХЎРЛИК

эзгу тилакларнинг рўёбга чиқиши учун давлатимиз томонидан амалий сайёҳ-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Навқирон авлод таълим-тарбияси, касб-хунар ўрганиши, муноси турмуш шароитига эга бўлиши йўлида кенг имкониятлар яратилиб, катта куч ва маблағ сарфланапти.

(Давоми 4-бетда).



4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

Энг муҳим демократик тамойиллар ва меъёрлар асосида

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган мазкур сиёсий тadbирга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тadbирлар дастури изчил амалга оширилаёпти.

Ҳуқуқий демократик давлат ҳамда ошқ фуқаролик жамиятини барпо этиш халқ ҳокимиятичилиги конституциявий тамойилларини рўёбга чиқариш, демократик сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун зарур шароит яратиш билан узвий боғлиқдир.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиш шароитида сайлов институти халқ ҳокимиятчилигини амалга

оширишнинг реал механизми ҳисобланади. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларида ҳам ўз ифодасини топган. Чунончи, мазкур муҳим халқаро ҳужжатнинг 21-моддасида халқ иродаси ҳуқумат ҳокимиятининг асоси бўлиши, бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, яппи ва тенг сайлов ҳуқуқидан, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қўймайи шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Бундай норма 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар

тўғрисидаги халқаро пактда ҳам акс этган.

Сайловлар замонавий демократиянинг муҳим институти, халқ ўз хоши-иродасини билдириши ҳамда сиёсий жараёнларда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда, шу жумладан, ҳокимиятнинг вакиллар органларини шакллантиришда иштирок этишининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Эркин сайловлар нафақат ҳокимияти шакллантириш тамойили, айни пайтда унинг халқ олдидаги жавобгарлиги ифодаси ҳамдир.

(Давоми 2-бетда).



Қонун устуворлигини таъминлашнинг бош мезони

Жорий йил 17 сентябрда матбуотда эълон қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ички ишлар органлари мақоми, фаолиятининг шакл ҳамда усулларини ҳар томонлама тартибга солиш баробарида, унинг кенг қўламли ишини янги босқичга кўтаришга хизмат этиши билан низоҳатда аҳамиятлидир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинган кундан олти ой ўтгач, кучга киради. “Халқ сўзи” мухбири ушбу Қонуннинг мазмун-моҳияти ва ҳаётий зарурати ҳақида парламент аъзолари ҳамда мутахассислар фикрлари билан қизиқди.

ЯНГИ ҚОНУНЛАР

Акмал РАХМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:

— Юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар туб моҳиятида ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, шу орқали тинчлик-тотувликни асраш ҳамда уни янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар мужассам. Зеро, қонунга риоя қилинган жойда тартиб-интизом бўлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва ман-

фаатлари таъминланади. Мамлакатда хотиржамлик ҳукм суриши, аҳолининг осуда ҳаёт кечириши, эркинликлари муҳофаза этилиши, кўп жиҳатдан, ички ишлар тизими фаолиятига бевосита боғлиқ.

Мазкур Қонунни ишлаб чиқиш жараёнининг ўзига хос жиҳатлари тўхталиб ўтадиган бўлсак, унга кенг жамоатчилик, амалиёт-ми мутахассис, эксперт ҳамда олимлар жалб қилиниши унинг замонавий талабларга ва амалдаги қонун ҳужжатларига уйғун бўлиши учун шароит яратганини қайд этиш жоиз.

(Давоми 2-бетда).



САЙЛОВ — 2016

Шу йилнинг 3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссиясининг онлайн мажлиси

Видеоконференцалока шаклида ташкиллаштирилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолари, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов олиб борган мажлисда мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш масаласи, шунингдек, сайловга тайёргарлик қўриш билан боғлиқ бошқа масалалар қўриб чиқилди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг

тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилди.

Мажлисда сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича Марказий сайлов комиссияси ҳузурида ишчи гуруҳлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).



Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларида 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга миллий қонунчилигимиз талаблари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тadbирлар дастурига мувофиқ, қизгин ҳозирлик қўришмоқда.

Сайлов участкалари тузилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Оролбўйида ҳам тайёргарлик ишлари фаол олиб борилаёпти. **1-Қорақалпоғистон** округ сайлов комиссиясининг мажлисида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўлиқ таъминланиши учун барча имконият яратилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Комиссия аъзоси Улугбек Асановнинг айтишича, округ бўйича 590 та сайлов участкаси тузилди. Округ сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган режа асосида сайловчиларнинг, айниқса, сайловда биринчи марта овоз берадиган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига алоҳида

эътибор қаратилаётган. Бунда округ сайлов комиссияси ҳузурида ҳуқуқшунос олимлардан иборат экспертлар гуруҳи тузилгани, қолаверса, Марказий сайлов комиссияси томонидан тақдим этилаётган адабиётлар, кўргазмалар воситалар қўл келаяпти.

5-Навоий округ сайлов комиссияси мажлисида бўлажак сайловга пухта ҳозирлик қўриш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда халқ қилувчи аҳамият касб этгани таъкидлаб ўтилди. Комиссия қарори билан вилоятда 363 та сайлов участкаси тузилди.

(Давоми 3-бетда).



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◀(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Ўтган йили октябръ ойда Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг мамлакатимизга расмий таширфи пайтида Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди.

Ўзаро манфаатдорлик натижа-сида савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланиб бораётир. 2015 йилда товар айирбошлаш ҳажми 253,5 миллион АҚШ дол-ларини ташкил этган. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўниталари эришилган келишув-ларни амалга ошириш, янги им-кониятларни излаш ҳамда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётини

изчил ривожлантириш, ҳаёт сифа-тини янада ошириш мақсадида кенг қўламли бунёдкорлик ва мо-дернизация ишлари амалга оши-риляпти. Бу борада ривожлан-ган давлатлар, хусусан, Япония тажрибасидан унумли фойдала-нилмоқда.

Япониялик мутахассислар би-лан ҳамкорликда Тошгузар — Бой-сун — Кумқўрғон темир йўли бунёд этилди. Самарқанд, Бухо-ро ҳамда Урганч халқаро аэропорт-лари модернизация қилинди. Бу-хоро нефтни қайта ишлаш заво-д, Шўртан газ-кимё маҳмуаси ва “Кўкдўмалоқ” конида компрессор станцияси қурилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи реконструкция қилинди. Бугунги кунда Қарши — Термиз темир йўл тармоғини электрлаштириш, Навойидаги иссиқлик электр станциясини кенгайтириш ҳамда

Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита янги буғ-газ турбинасини қуриш ишлари олиб борилаётир.

Мамлакатимиз шаҳарлари бош режа асосида қайта қурилмоқда. Янги саноат корхоналари, замона-вий уй-жойлар, ижтимоий объект-лар, йўл ва кўприklar барпо эти-ляпти. Бундай қурилиш ҳамда обо-донлаштириш ишлари натижасида шахару қишлоқларимиз янада кўркамлашиб, яшаш учун қулайлик-лар ортиб бораётир. Ўзбекистон “Дунёнинг энг бахтли мамлаката-ри” рейтингига жаҳон бўйича 44-ўринни, пойтахтимиз Тошкент Буюк Британиянинг “Economist” журнали бўлинмаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллагани ҳам бунинг тасдиғидир.

Конференцияда мамлакати-мизнинг геодезия, қурилиш, транспорт, табиатни муҳофаза қилиш, ахборот технологиялари, электротехника, энергетика, кимё ва коммунал соҳалардаги вазирлик ҳамда идоралари му-тасаддилари иштирок этди. Япо-ниянинг “Шимидзу”, “Фужита”, “Марубени”, “Панасоник”, “Токио Роуп Инжиниринг”, “Иточу”, “Ми-цубуши”, “Тойота Цусе”, “НЭК” каби йигирмадан ортқ йирик корпорациялари вакиллари ўз ташкилотлари ва хизматлари ҳақида атрофлича маълумот берди.

Япониялик ишбилармонлар мамлакатимизда шахарсозлик за-мон талаблари асосида ривож-ланаётгани, инфратузилма объект-ларини қуриш ҳамда модерниза-циялаш ишлари иқтисодиёт ри-вожига хизмат қилаётганини таъ-

кидлади. Инфратузилма объект-ларини қуриш ва модернизация қилиш, автомобиль ҳамда темир йўл тизимини ривожлантириш, ахборот-коммуникация техноло-гиялари, табиий офатларнинг ол-дини олиш ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклиф-ларини тақдим этди.

Тадбир доирасида уюштирил-ган кооперация биржасида икки мамлакат ташкилотлари ўртаси-даги ҳамкорликни ривожланти-риш, томонларни қизиктирган соҳалар бўйича қўшма лойиҳа-ларни ишлаб чиқиш ҳамда амал-га ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Конференцияда Тошкент ша-ҳар ҳокимлиги билан Япониянинг “Шимидзу” корпорацияси ўрта-сида ўзаро англашув меморан-думи имзоланди.

Япония делегацияси мамлака-тимизнинг Фавкулдада вазиятлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий ало-қалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музо-каралар ўтказди.

Ў.А.

Эъзоз ва эҳтиромдан мамнунмиз

◀(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Табрикда “Улуғ устози-мизнинг эзгу ғоя ва васи-ятлари асосида таълим ва тарбия соҳасидаги туб ис-лохотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдири ва келажagi учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга ет-казишга қаратилган ишлар-ни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат ва-зифамиз, балки муқаддас бурчимиз бўлиб, биз бу йўлда биринчи навбатда сиз, азизларга, сизларнинг билим ва малакангиз, таж-риба ва маҳоратингизга та-янамиз”, дея ишонч билдир-рилгани барчамизни шижо-ат билан фаолият кўрса-тишга ундайди.

Қарийб ўттиз йилдан буён бошлангич синф ўқув-чиларига дарс бериб кела-ман. Мустақиллик йиллари-да умумтаълим тизими мут-лако янгиланди. Ўқув қўлланмаларимиз, таълим бериш услубларимиз жаҳон андозалари даражасига келтирилди. Масалан, ке-йинги пайтларда электрон дарсликлардан кенг фойда-ланмоқдамиз. Айниқса, мактабга таълим муасса-саларида “Болажон” дасту-ри асосида болалар учун тайёрлов гуруҳлари ташкил этилгани ўғил-қизларимиз-

нинг биринчи синфданок дастлабки ўқув машғулотла-рини тезда ўзлаштириб олишига кўмаклашяпти.

Айтиш жоизки, соҳа хо-димларининг меҳнати муно-сиб кадрланаётгани ғайра-тимизга ғайрат қўшмоқда, ижодий завуқ шавқ улаша-ётир. Мен ҳам юртимиз муаллимлари қаторида касбимдан обрў-эътибор топган инсонман. 2001 йил-да “Дўстлик” ордени билан мукофотланган эдим. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини ба-жарувчи Шавкат Мирзиёев-нинг шу йил 29 сентябрда-ги Фармонига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси-да хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” деган юксак унвонга муносиб кўрилдим.

Албатта, буни нафақат менга, балки ўзим фаолият юритаётган мактаб жамоа-сига билдирилган улкан ишонч, деб биламан. Ўз навбатига, билим ва мала-камни, бутун борлиғимни келажагимиз бунёдкорлиги-нинг етук ҳамда салоҳият-ли шахс бўлиб вояга етиш-лари учун бағишлайман!

Матлуба ТОШПЎЛОВА,
Бёвут туманидаги
4-умумтаълим мактаби
бошлангич синф ўқитувачиси,
Ўзбекистон Республикаси
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси.

Қонун устуворлигини таъминлашнинг бош мезони

хассислар иштирокида атрофли-ча муҳокама қилишга қаратилган 30 дан ортқ турли тадбирлар ўтказилди.

Айтиш жоизки, яхлит қонун-нинг мавжуд бўлиши ички иш-лар органлари обрўсини янада мустаҳкамлаши баробарида, ти-зим фаолиятини бугунги кун талаби даражасида такомиллаш-тиради, ички ишлар органлари-нинг бошқа орган ҳамда ташки-лотлар билан ҳамкорлигини кен-гайтиради ва ходимларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифа-ларни бажариш бўйича масъули-ятини янада оширади. У ўз вақ-тида қабул қилинганлиги, давлат, жамият ҳамда шахс ҳаётига бевосита тааллуқли ўта муҳим ижтимоий масалаларни тартибга солиши билан ажралиб туради.

Хусусан, Қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифаси сифатида фуқароларнинг ҳу-қуқлари, эркинликлари ва қону-ний манфаатларини, жисмоний ҳамда юридик шахслар мулкни, конституцийвий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устувор-лигини, шахс, жамият ва давлат-нинг ҳавфсизлигини таъминлаш-дан, шунингдек, ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олиш ҳамда про-филатикасидан иборат эканли-ги аниқ белгилаб қўйилгани эътиборга молиқдир.

Умуман олганда, бу ҳуқуқий ҳужжат юртимизда фуқаролар ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркин-ликлари, мол-мулкни, жамият ҳамда давлат манфаатларини ҳар қандай ғайриқонуний тажо-вузлардан ҳуқуқий ҳимоялашни юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Фаррух ДАДАХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси:
— Мамлакатимизда мустақил-ликнинг илк йилларидан тинчлик-осойишталик кафолати сифати-да ички ишлар идораларини ислоҳ этиш, мазкур тизимни давр талаби даражасида ривож-лантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Жумладан, Вазирлар Маҳмаасининг 1991 йил 25 ок-тябрдаги қарори билан Ўзбек-стон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташкил қилинди. Би-ринчи Президентимизнинг 2001 йил март ойда имзоланган ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштиришга оид Фармо-ни эса соҳадаги ислохотларда муҳим қадам бўлди.

Фармон тизим фаолиятини янада ривожлантириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, жиноятчиликка қарши кураш бо-расида профилактиканинг роли-ни қучайтириш, кадрлар билан ишлаш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишда алоҳида аҳамя-ятга эга. Айни чоғда жамоат тар-тибини сақлаш, инсон ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини

ҳимоя этиш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилаётир.

Тизимда амалга оширилган бундай кенг қўламли ислохотлар боис профилактика хизмати туб-дан янгиланди. Бунинг учун за-рур шарт-шароит яратилиб, ма-лакали кадрлар билан тўлиқ таъ-минланди. Айни чоғда давлат ҳокимияти ва бошқаруви, фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натижада юрти-мизда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлиғи

Марказий сайлов комиссиясининг онлайн мажлиси

◀(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Ишчи гуруҳларининг асосий вази-фаси “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 24²-моддасига асосан, белгиланган муддатда имзо вара-қалари қонун талабларига муво-фиқлиги ҳақида хулосалар бериш-дан иборатдир.

Мажлисда 2-Анджон ва 12-Хо-разм округ сайлов комиссиялари раисларининг Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги

ахборотлари ҳам эшитилди.

Комиссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилган оммавий ахборот восита-лари вакилларини аккредитация-дан ўтказиш масаласини ҳам қўриб чиқдилар. Таъкидланганидек, сай-ловга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш жараёнининг очили-ғи ва ошқоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайлов кампания-сининг барча босқичи хусусида ўз вақтида хабардор қилишда омма-вий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Шу вақтга қадар мам-

лакатимиз ҳамда хорижий босма ва электрон оммавий ахборот вос-италарида сайлов кампанияси билан боғлиқ икки миңдан зиёд материаллар эълон қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов ко-миссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Қурилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

тон Республикасининг фуқаролари сай-

ловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадирлар. “Фуқаролар сайлов ҳуқуқла-рининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади.

Шу билан бирга, умумий сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг сайловда ишти-рок этиши ҳеч қандай ҳуқуқий қоида-лар билан чегараланмаганини аңглат-майди. Ўзбекистонда бошқа демокра-тик мамлакатларда бўлгани каби дав-

мократик тамойилларга мувофиқлиги билан боғлиқдир. Шу маънода, Ўзбе-кистонда сайлов тўғрисидаги қонунчи-ликнинг изчил такомиллаштирилиши демократик ислохотларнинг муҳим тар-кибий қисми сифатида қўриш мумкин.

Мамлакатимизда мустақиллик йилла-рида фуқароларнинг сайлаш ҳамда сай-ланишга доир конституциявий ҳуқуқла-рини таъминлаш мақсадида сайловга юксак демократик даражада тайёргар-лик қўриш ҳамда уни ўтказишнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилди. Жорий йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда, жамиятни ислоҳ қилиш ва демократ-лаштириш янада чуқурлашган, ижтимо-ий фаолиик ўсган, фуқароларнинг масъулияти ҳамда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларга, сиёсий партияларга, фуқаролик жамияти инсти-тутларига талабчанлиги ошган бир шароитда бўлиб ўтади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзе-кистон сайлов қонунчилиги халқаро сай-лов стандартларига тўлиқ жавоб бера-ди ҳамда улар билан уйғун ривожлан-иб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конститу-цияси мамлакатимиздаги демократик сайлов қонунчилиги тизимининг асоси саналади. Асосий Қонунимизнинг 7-моддасига кўра, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Сайлов жараёнининг демократик прин-циплари “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комис-сияси тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳуж-жатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Уларда демократик сайловларни амалга оширишнинг асосий стандар-тлари — умумийлиги, тенглиги ҳамда тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли, сайловда қат-нашишнинг ихтиёрлиги, уни ўтказиш-нинг очик ва ошқоралиғи ўз ифодаси-ни топган.

Халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган асосий тамойилларга сайлов ҳуқуқининг умумийлиғи киради. Бу Кон-ституция ҳамда сайлов қонунчилиғимиз-да асосий тамойиллардан бири сифа-тида эътироф этилган. Хусусан, “Ўзе-кистон Республикаси Президенти сай-лови тўғрисида”ги Қонуннинг 1-модда-сида келтирилишича, Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти сайловини Ўзе-кистон Республикаси фуқаролари умум-ий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадирлар.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов ку-нида 18 ёшга ўтладиган, тегишли сай-лов участкаси ҳудудида доимий ёки вақ-тинча истикомат қилиб турган Ўзбекис-

лат бошлиғи сайловига оид қонун ҳуж-жатлари қатор чекловларга эга бўлиб, улар асло камситувчи хусусиятга эга эмас. Дейлик, Конституциямизнинг 90-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, дав-лат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Қонунчиликда белгиланишича, суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодлиқдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сай-ланиши мумкин эмас ҳамда сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвос-ита чеклашга йўл қўйилмайди.

Тенг сайлов ҳуқуқи тамойилига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси бир овозга эга. Аёл ва эр-каклар бир хил сайлов ҳуқуқига эга, ҳарбий хизматчилар бошқа фуқаролар билан бир хил сайлов ҳуқуқидан фой-даланади. Сайловда ҳеч ким ижтимоий келиб чиқishi, ижтимоий ҳамда мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиғи, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ҳамда хусусиятига қараб устуворликка эга бўлмайди.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи тамо-йилига кўра, фуқаролар сайловда ўз хо-ҳиш-иродасини бевосита ифода этади. Овоз бериш жараёнида сайловчилар шахсий қараш ва фикрларидан келиб чиқиб, ўз танловини амалга оширади. Бунда агар фуқаро сайлов вақтида хо-рижда бўлса, у Ўзбекистон Республи-касининг хорижий давлатлардаги вако-латхоналари ҳузурида тузилмадиган сай-лов участкасида овоз бериши мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон сайлов қонун-чилигида муддатидан олдин овоз бе-риш қоидаси қўзда тутилган. Сайлов кuni касалиғи ёки бошқа сабабларга кўра, ўз яшаш жойида бўлиш имкония-тига эга бўлмаган сайловчи муддати-дан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Сайловчи соғлиғи ёмонлиғи туфайли ёки бошқа сабабларга кўра, сайлов участкасига кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси сайловчи-лар турган жойда овоз беришни ташкил этиши мумкин.

Сайловда ихтиёрий иштирок этиш тамойили фуқаролар ушбу сиёсий тад-бирда ўз хоҳишига кўра, ҳеч қанақа мажбурловсиз қатнашишини аңглатади. Сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билди-ришларини назорат этишга йўл қўйил-майди.

Ўзбекистонда сайловчи овоз бериш-нинг мақсадга мувофиқлиғи ҳамда за-рурлиғи масаласини ўзи ҳал қилади.

Фуқарога ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишда қандайдир мажбурият юк-ланмайди. Мамлакатимиздан фарқли ўлароқ бир қатор давлатларда сайлов-да овоз бериш фуқароларнинг мажбу-рияти сифатида қўрилади ва ундан бўйин товлаш нафақат жарима тариқа-сидаги жавобгарлика сабаб бўлиши, айни пайтда озодлиқдан маҳрум эти-лиши ҳам мумкин.

Республикаимизда яширин овоз бе-риш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган бўлиб, сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини ҳар қандай давлат органи, мансабдор шахслар, шунинг-

сайлов округи ва участкалари тузили-ши, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ҳамда иш вақти, Президентликка номзодлар, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақида ахборот излаш, олиш ҳамда тарқатиш ҳуқуқига эга. “Ўзбекистон Республика-си Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида белгиланиши-ча, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участ-калари тузилганлиғи, сайлов комисси-яларининг таркиби, уларнинг жойлаш-ган ери ва иш вақтидан воқиф этади-лар, сайловчиларнинг, шунингдек, сай-

ловда иштирок этаётган сиёсий партия-ларнинг рўйхатлари билан таништира-дилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида-ги маълумотлар, овоз бериш ҳамда сай-лов якунларидан хабардор қиладилар. Бундан ташқари, сайлов округлари ва участкалари, сайлов комиссиялари тар-киби, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ҳамда сайлов якунлари ҳақида-ги ахборот матбуотда эълон қилиниши қонун билан мустаҳкамланган.

Сайлов кампаниясининг ошқорали-гини оммавий ахборот воситалари би-лан бир қаторда яна бир институт — маҳаллий ва хорижлик кузатувчилар таъминлайди. Қонунга кўра, сайловга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтка-зишга доир тадбирларда, ҳар бир сай-лов участкасида сайлов кuni овоз бе-риш хоналари ва овозларни санаб чиқишда Президентликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан бит-тадан кузатувчи, оммавий ахборот во-ситалари вакиллари, бошқа давлат-лар, халқаро ташкилотлар ҳамда ҳара-катлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи соҳа-сидаги халқаро стандартлардан яна бири адолатли сайлов тамойилидир. Бу сайловларнинг даврийлигини қонун би-лан белгилаб қўйиш, сайловолди кам-паниясини олиб боришда номзодларга тенг имкониятлар тақдим қилиш, сайловларнинг очик ва ошқоралиғи, сайлов жараёнининг барча босқичида кузатувчилар иштирок эта олиши ҳамда мустақил суд демакдир.

Мустақил суд тизими сайлов жараё-нини ноҳилислик, фирибгарлик ҳамда сохталаштиришдан самарали ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Ўзбекис-тон сайлов қонунчилиғи сайлов ҳуқуқла-ри бузилиши ва сайлов жараёни субъектларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шижоат қилиш имкониятларини кафолатлайди. Шундай қилиб, миллий сайлов қонун-чилиғи Ўзбекистон Республикаси фука-росининг эркин танлов ҳуқуқини тўла рўёбга чиқаришга хизмат қилады.

Мирзатилло ТИЛЛАБОВЕВ,
юридик фанлар номзоди.

Сайлов участкалари тузилди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Хўсинидин Аҳмедовнинг қайд этишича, айни чоғда ана бир муҳим масала, яъни участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

